

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5111000-Касб таълими (310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования бакалавриата *5111000-Профессиональное образование (5310600 – Наземные транспортные системы и их эксплуатация (автомобильный транспорт))*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) бакаларнат таълим йуналишнинг давлат таълим стандарти

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СУЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Тошкент автомобил-йўллар институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» 03 даги 54 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги. қарор 05-602 26.12.2014.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга узгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан наир этилувчи курсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

МУНДАРИЖА

Г/р		Бет
1.	Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари	1
2.	Кулланиш соҳаси	2
3.	Агамалар, таърифлар, киекартмалар	3
4.	Таълим йуналишининг тавсифи	3
5.	<i>5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) таълим йуналиши буйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи</i>	4
6.	Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган талаблар	5
7.	Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари	22
8.	Бакалавриятнинг таълим дастурларини узлаштириш буйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар	37
8.1.	Бакалавриятнинг таълим дастурлари узлаштирилишига белгиланган умумий талаблар	37
8.2.	Таълим дастурларининг татбик этилиши	38
8.3.	Малака амалиётларни ташкил этиш талаблари	38
8.4.	Укув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш буйича талаблар	39
8.5.	Таълим жараёнини укув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари	40
8.6.	Укув жараёнининг моддий-техника базаси буйича талаблар	40
9.	Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш	41
10.	Эслатма	42
11.	Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати	42
12.	Илова	43
13.	Библиографик маълумотлар	45
14.	Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари	46

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва
уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) бакалаврият таълим
йуналишининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана
Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5111000-Профессиональное образование (5310600 –
Наземные транспортные системы и их эксплуатация (автомобильный
транспорт))**

**State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education
State Educational Standard on the level of bachelors of 5111000 – Professional
education (5310600 - Landline Transport System in Maintenance (automobile
transport))**

Амал қилиш муддати « 31 » 12 2014 йилдан
« _____ » _____ 201 _____ йилгача

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йуналиши буйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш куйидаги хужжатларга асосланган:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тугрисида»ги 5 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тугрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.



6. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги “Янгиланган «Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тугрисида”ги 302-сонли буйруги.

7. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га узгартириш ва қушимчалар киритиш тугрисида”ги 190-сонли буйруги.

8. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га узгартириш ва қушимчалар киритиш тугрисида”ги 281-сонли буйруги.

9. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га узгартириш ва қушимчалар киритиш тугрисида”ги 446-сонли буйруги.

10. Узбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йуналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га узгартириш ва қушимчалар киритиш тугрисида”ги 158-сонли буйруги.

11. Узбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни урганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тугрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

2. Қулланиш соҳаси

2.1. Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) *5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти))* таълим йуналиши буйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари узлаштирилишини амалга оширишда Узбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2. Олий таълим муассасаси мазкур таълим йуналиши буйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга булганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3. ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йуналиши ва тайёргарлик даражаси буйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - уқитувчилари;

– таълим йуналишининг таълим дастурларини узлаштириш буйича уқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– уз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, уқув булими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йуналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга булган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йуналишига узгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур булган билим, куникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва уқитишга йуналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга булган укув фани (курси) ёки укув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

таълим йуналиши – таълим дастури буйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни таъминловчи таянч ва фундаментал билимлар, укувлар ва куникмалар мажмуаси;

касбий фаолият объекти – нредметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йуналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иктисодий, ишлаб чиқаришда намоён буладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

бакалаврият – олий таълим йуналишларидан бири буйича пухта билим берадиган, уқиш муддати камида тўрт йил булган таянч олий таълимдир.

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) – укув фанларининг бакалаврият йуналишларига қуйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блоklarга жамланган руйҳати;

уқув-урғаниш натижалари – узлаштирилган билимлар, амалий малакалар, куникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси;

УМКХТМ – Урта махсус, касб-хунар таълим муассасалари

4. Таълим йуналишининг тавсифи

4.1. *5111000 – Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти))* таълим йуналиши буйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, уни назарий ва амалий машгулотларини тулик узлаштирган, яқуний давлат аттестациясидан муваффақиятли утган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тугрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат (лар) берилади.

4.2. Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини узлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4 йил

5. 5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) – фан, техника ва таълим соҳасидаги таълим йўналиши булиб, у укув фанлари, воситалари, услублари ва педагогик фаолиятнинг усулларини ҳамда автомобил транспорти соҳасини ривожлантиришга, истикболни белгилашга, касбий куникмага, мутасаддилик қобилиятига йуналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини уз ичига камраб олади.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни камраб олади:

- ерусти транспорт воситалари ишини ташкил этиш ва бошқариш;
- ерусти транспорт воситалари, уларнинг агрегат ва механизмларидаги ишчи жараёнларни узлаштириш ва тадқиқ қилиш;
- лойиҳалаш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш, маҳсулот сифатини таъминлаш ва сертификация (шу жумладан халқаро) методларини куллаш;
- ерусти транспорт воситалари муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;
- компьютер технологияларини куллаш ва дастурлаш;
- ерусти транспорт воситаларига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш стратегиясини белгилаш ва куллаш;
- техник эксплуатация тамойилларини тузиш;
- тизимли ёндашув механизмларини тадқиқ этиш;
- билимлар инженерияси;
- тизимли ёндошув механизмларини тадқиқ этиш;
- дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси;
- касбий таълим дидактикаси;
- касбий таълим педагогикаси ва ташхис технологияси;
- уқитишнинг дидактик воситалари;
- таълимнинг электрон воситалари;
- ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимидаги ўрни ва роли.

5.2. Бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) таълим йўналиши бакалаврларининг касбий фаолияти объектлари:

- мос касб-хунар коллежларидаги укув –тарбия жараёни;
- автотранспорт воситалари;
- диагностик ва технологик жиҳозлар;
- техник хизмат курсатиш ва жорий таъмирлаш ишларининг технологик жараёнлари;
- техник хизмат курсатиш станциялари;
- таъмирлаш устахоналари.

5.3. Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари

- *илмий-тадқиқот*;
- *лойиҳавий-конструкторлик*;
- *фойдаланиш-сервис*;
- *ишлаб чиқариш*;

- таълимий-бошқарув;
- урта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашмиш имкониятлари:

Бакалавр ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси соҳасига касбий мослашиши мумкин.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) таълим йуналиши буйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қуйидаги:

-5A111001-Касб таълими (мутахассисликлар буйича) магистратура мутахассисликлари буйича икки йилдан кам булмаган муддатда уқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, урнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) таълим йуналиши буйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар:

а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга булиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга булиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга булиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган булиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йуналиши буйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга булиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тугрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, узини жисмоний чиниктириш укуви ва куникмаларига эга булиши лозим.

Бакалаврлар:

- таълим йуналиши буйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим булган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йуналиши доирасида танланган мутахассислик буйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар;

• УМКХТМда “Касб таълими” соҳа йуналишлари буйича махсус фан уқитувчилигига тайёрланадилар.

б) касбий талаблар:

Илмий - тадқиқот фаолиятида

- ерусти транспорт тизимлари (автомобил транспорти) соҳасидаги ишларни такомиллаштириш билан боғлиқ булган илмий тадқиқот ишлар тугрисида тасаввурга эга булиш;

- илмий тадқиқотларни утказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашади;

- илмий семинарлар, илмий-техникавий конференциялар ишида иштирок этади;

- мавзу (топширик) буйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил этиш ва тизимлаштиришни амалга ошириш;

- утказилаётган тадқиқотлар мавзуси буйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;

- илмий-техникавий мавзувий журналларга мақолаларни тайёрлаш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақида информацияни мақсадга йуналган ҳолда кидириш ва топиш;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёргарлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятларига эга булиши керак.*

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида

Бакалавр:

– бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси буйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жиҳозларнинг ишчи параметрлари ва техник ҳолатини аниқлаш буйича синовларни утказиш;

– амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий сгандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қуллаш *қобилиятларига эга булиши керак.*

Фойдаланиш-сервис фаолиятида

Бакалавр:

– автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жиҳозларни эксплуатацияси, уларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;

– автотранспорт воситалари ва уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ҳамда технологик жиҳозларига техник хизмат курсатиш ва таъмирлашнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қуллаш;

– автотранспорт воситалари, уларнинг агрегат, механизм, тизимлари ва технологик жиҳозларни синаш, диагностика қилиш ҳамда ишлатиш *қобилиятларига эга булиши керак.*

Ишлаб чиқариш фаолиятида

Бакалавр:

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қуллаш;

– автотранспорт корхоналари ишини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш, маромига етказиш ва узлаштириш;

– илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини саклаш буйича ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш буйича усул ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги буйича мутахассисларга қуйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Ташкилий-бошқарув фаолиятида

Бакалавр:

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур булган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ булган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар ҳар хил булган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бажараётган фаолияти буйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

УМКХТ тизимида педагогик фаолиятда

Бакалавр:

– УМКХТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йуналишида назарда тутилган укув фанлари буйича назарий машғулотларни утказиш қобилиятига эга бўлиши;

– УМКХТ тизимининг мос таълим муассасаларида тайёргарлик йуналишида назарда тутилган укув фанлари буйича амалий ва лаборатория машғулотларини, жумладан укув устаҳоналарида утказиш қобилиятига эга бўлиши;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт укув машғулотларини ишлаб чиқиш ва утказиш қобилиятига эга бўлиши;

– уқитилаётган фанлар буйича дарсларни утказиш учун зарур булган укув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш қобилиятига эга бўлиши;

– уқитилаётган фан буйича машғулотларни утказиш учун уқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

– мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида уқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар тизимида уз-узини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши керак.

6.2. Таълим дастурлари буйича билим, малака ва кунликмаларга қуйилган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар буйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоқи буйича талаблар Олий ва урта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоқи буйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қуйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2.1. Олий математика фани буйича

Бакалавр:

– математика дунёни билишнинг узига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– объектларнинг микдорий ва сифат нисбагарини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;

-математик таҳлил, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс узгарувчи функцияси назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва методларини;

-функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;

-оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;

-математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

-ахборот, уни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.3. Физика фани бўйича

Бакалавр:

-механиканинг физик асослари, электр ва магнетизм, тебраниш ва тулқинлар физикаси, квант физикаси, акустика, статик физика ва термодинамика, оптика, атом ва ядро физикаси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат ва сақланиш қонунларини, вакуумда ва моддада электростатика ва магнитостатикани, гармоник ва ногармоник осциллятор тушунчаларини, спектрал ёйилманинг физикавий маъноси, тебраниш қонуниятлари, корпускуляр-тулқин дуализми, ноаниклик тамойили, квант ҳолатларини, гидродинамика, акустиканинг физикавий асослари, товушнинг табиатини, термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функцияларини, иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларида ухшашлик назариясини қуллашни, ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунларини, атом тузилиши, атом нурланиш спектридаги қонуниятларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-физикавий моделларни тадқиқ қилиш;

-ишлаб чиқариш жараёнларида ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш;

-физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган кийматларнинг сонли тартибини улчаш ва баҳолаш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.4. Кимё фани бўйича

Бакалавр:

-фаннинг бўлимлари мазмуни ва уларнинг қулланиш услублари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-анорганик кимё: элементлар даврий тизими, моддаларнинг кислота-асослик ва оксидланиш-кайтарилиш хусусияглари, кимёвий боғланиш, комплементарлик, комплекс бирикмалар, элементлар кимёси, s-, p-, d- ва f- элементлар;

-аналитик кимё: сифат ва миқдорий таҳлил, кимёвий такқослаш, аналитик сигнал, кимёвий, физик-кимёвий, физикавий таҳлил;

-органик кимё: Бутлеровнинг тузилиш назарияси, органик моддаларнинг реакцион қобилияти, органик кимёда изомерланиш ва номланиш, ахборот таҳлил, күзгу (оптик) изометрия, органик бирикмаларнинг асосий синфлари, терпенлар, стероидлар, каротиноидлар, липидлар, углеводлар, азот сақловчи бирикмалар, гетероциклик бирикмалар ва нуклеин кислоталар, олигомер ва полимерлар;

-физикавий ва коллоид кимё: модданинг агрегат ҳолати, кимёвий жараёнлар энергетикаси, эритмалар, дисперс тизимлар, кимёвий кинетика ва катализ, кимёвий ва фазовий мувозанат, электрокимё, коллоид кимёни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-Узбекистонда аорганик кимё фани ва кимё саноати, кимёвий таккослаш, эксплуатацион материаллар ва автомобил саноати ишлаб чиқаришини кимёлаштириш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.5. Назарий механика фани бўйича

Бакалавр:

-статика: статика аксиомалари, бир нуктада кесишувчи кучлар тизими, кинематика: нукта кинематикаси -нукта ҳаракати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши, динамика: нукта динамикаси, нукта ҳаракатининг дифференциал тенгламалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-статика аксиомалари, кесишувчи кучлар тизими, жуфт кучлар назарияси, куч моменти, эркин жойлашган кучлар тизими;

-нукта кинематикаси, нукта ҳаракати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезланиши, нуктанинг мураккаб ҳаракати, каттик жисм кинематикасини;

-нукта динамикаси, инерцион ва ноинерцион ҳисоб тизимларида нукта ҳаракатининг дифференциал тенгламалари, каттик жисм динамикаси, аналитик механика асослари механик тизимлар тебранишлари ва турғунлигини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-транспорт қисмларини ҳисоблашда статик, кинематик ва динамик масалалар ечиш ва амалда қўллаш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.6. Экология фани бўйича

Бакалавр:

-биосфера ва инсон, табиатдан фойдаланиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг узаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари;

-габий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик химоя техникаси ва технологиясини, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорликни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришида экологик масалаларни ечиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар

6.2.3.1. Касбий психология фани бўйича

Бакалавр:

-касбий психологиянинг вазифаси, қўлланиш соҳаси;

-предмети ва асосий муаммолари, методлари;

-ўқитувчи ва таълим психологи: бир-бирини тушуниш асослари;

-таълим муҳитининг психологик тавсифлари;

-таълим муҳитининг психологик хавфсизлиги;

-таълим жараёни иштирокчиларининг психологик саломатлиги;

-таълим муҳитида психодиагностик фаолият;

-урғатиш моделлари ва тажрибани узлаштириш механизмларининг тавсифи;

-уқув фаолиятини мотивациялаш;

-уқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-педагог фаолиятининг психологик муаммоларини;

-тарбиялаш ва уз-узини тарбиялаш психологиясини;

-ўқитувчи ва уқувчининг таълим жараёнидаги мулоқоти ва ҳамкорлигини;

-касб танлашдаги инқирозлар касбий қобилиятларни шаклландирилганини;

-диагностика қилиш, касбий шаклланиш жараёнида юзага келадиган турли кийинчиликлар, онгли касб танлаш, ҳамда касбга йуналтиришга доир масалаларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- касб танлаш ва шахс хусусиятларини шакллантириш;
- касбий уз-узини англаш;
- шахснинг касбий ҳавфсизлик психологиясини англаш;
- касбий ҳавфсизликнинг психологик масалаларини ечиш;
- иш жой, меҳнат жамоаси, психик ҳолатларни таҳлил қилиш *қуникмаларига эга*

булиши керак.

6.2.3.2. Касбий педагогика фани буйича

Бакалавр:

-Узбекистон Республикасида касб-ҳунар таълими ривожланиш тарихи;
 -таълим туғрисидаги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”;
 -таълим тизимининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;
 -узлуксиз таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, тузилиши;
 -урта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва бошқариш туғрисидаги асосий норматив ҳужжатлари, урта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида касблар ва мутахассисликларнинг синфланиши;

- касб-ҳунар коллежлари битирувчи кичик мутахассисларга қуйиладиган талаблар;
- урта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни;
- фан соҳалари буйича Давлат таълим стандартлари;
- касбий таълим мазмунини шакллантириш тамойиллари;
- махсус таълим моҳияти, вазифаси ва тавсифи;
- касбий таълим мазмунини танлаш ва таҳлил қилишнинг илмий-методик асослари;
- касб-ҳунар таълим муассасаларини бошқариш тузилмаси;
- касбий билим, қуникма ва малакаларни шакллантириш қонунлари;
- касбий таълимнинг чет эл тажрибалари билан алоқадорлиги;
- таълимнинг дуал тизимлари *ҳақида тасаввурга эга булиши;*
- касбий билим, қуникма ва малакаларни шакллантириш қонунларини;
- олий касб таълими тизими тузилмасини;
- ишчи касбларни таҳлил қила олиши
- касб таълимининг фалсафий методологик асосларини;
- касб таълими тизимини татқиқ қилиш методларини;
- касб таълимининг тараккий этиш босқичларини;
- касб-ҳунар таълими мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлай олиши;

-бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасаларини ривожлантириш истикболларини белгилашни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- урта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва бошқариш;
- касбий таълим мазмунини танлаш ва таҳлил қилиш;
- таълимнинг асосий шакллари, тамойиллари ҳамда тарбия методлари ҳақидаги билимларни амалда қўллай олиш;

-касб-ҳунар таълими мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлай олиш;

- касбларни таҳлил қилиш;
- блок-модул уқитишнинг методик асосларини амалда қўллай олиш *қуникмаларига*

эга булиши керак.

6.2.3.3. Тарбиявий иш методикаси фани буйича

Бакалавр:

-тарбиявий ишлар методикаси фанининг қонуниятлари ва қоидалари;
 -тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари;

- тарбиявий ишларни ташкил этишининг самарали усул ва воситалари;
- тарбиявий ишлар услуобиётининг асосий аспектлари ва йуналишлари;
- тарбиявий ишларнинг компонентлари;
- педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти;
- укитувчининг педагогик маҳоратининг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти;
- укитувчи фаолиятида педагогик қобилияти;
- укитувчи иродаси, сабр-тоқати, мақсадга интилиши ва уз хатти- ҳаракатлари идора килиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- жамоа фаолиятини ташкил этишни;
- тарбия жараёнига ижодий ёндошишни аҳамияти ва афзаллигини;
- гуруҳ раҳбарининг педагогик фаолиятини;
- гуруҳ раҳбарининг ташкилотчилик фаолиятини;
- социометрия услуби орқали жамоани урганишни;
- жамоани тарбиялашда гуруҳ раҳбарининг фаолиятини;
- мулоқот орқали таъсир курсата олишни;
- укитувчи томонидан мулоқотга кириш жараёнида қулланиладиган муомала услубларини;
- укитувчининг коммуникатив қуникмаси: “юзни уқиш санъати”ни;
- укитувчи томонидан укувчи билан мулоқотда бўлиш жараёнида қулланиладиган педагогик таъсир курсатиш усулларини;
- укитувчи фаолиятида мулоқот маданиятини;
- педагогик одоб ва педагогик назокат меъёрларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- гуруҳ билан ишлаш ва унга раҳбарлик килиш;
- тарбиячининг ота-оналар билан муносабат урнатиш;
- тренинглар утказишда гуруҳлар билан ишлаш ва раҳбарлик килиш;
- гуруҳда иқгидорли талабаларни қуллаб-қувватлаш;
- педагогик низолар ва уларни бартараф этиш;
- педагогик техниканинг шакллантириш услубларидан фойдалана олиш;
- нутқ техникаси ва маданиятини қуллаш;
- укитувчининг таълим жараёнидаги педагогик маҳоратига амал килиш;
- укитувчининг дарсга тайёргарлик қуриш фаолиятини ташкил этиш;
- укитувчининг дарсдан кейинги ижодий ҳолатини ташкил этиш;
- укитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳоратини курсата олиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.4. Таълим технологиялари фани буйича

Бакалавр:

- таълим технология тушунчасининг илмий асослари;
- таълим технология категория ва тамойиллари;
- таълим технологияси ва унинг таркибий қисмлари;
- укув жараёнини ташкил этишга қуиладиган замонавий талаблари;
- таълим олувчи шахси, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлиши;
- таълим технологияларнинг таснифи ва асосий жиҳатлари;
- таълимни технологиялаштириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- таълим технологияларнинг тамойиллари билан боғлиқликда кейинги амалий фаолиятда таълим жараёнини педагогик жиҳатдан яхлит тарзда ташкил этиш ва амалга оширишни;
- таълимга технологик ёндошув, укув мақсадларини аниқлаштириш, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириш ва ташкил этишни;
- таълим олувчи шахсининг ҳар томоилама баркамол ривожланиши, таълим жараёнининг «жонли», ижодий ташкил этишга ёрдам берувчи таълимнинг интерфаол методларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- таълим технологияларнинг таснифи ва асосий жихатларидан фойдалана олиш;
- таълимга технологик ёндошув, укув максадларини аниқлаштириш;
- педагогик фаолиятни оқилона режалаштириш;
- илгор педагогик технологияларни таълим жараёнида куллай олиш *қуникмаларига*

эга бўлиши керак.

6.2.3.5. Касбий таълим методикаси фани буйича

Бакалавр:

- касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш мазмуни;
- касб таълими йуналишлар буйича таълим тизимининг узвийлиги ва узаро боғликлиги;
- укув моддий базасини ташкил этилиши (укув мағериаллари ва мосламалар билан таъминланиши);
- касбий фанларни уқитиш қонуниятлари ва тамойиллари;
- касбий фанларни таълим мазмунини танлаш мезонлари;
- касбий фанларни ташкилий шакллари;
- касбий фанларни укув амалиётини ташкил этиш;
- укув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш ва ташкил этиш;
- касбий фан уқитувчисининг укув меъёрий хужжаглари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси;
- давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқиш мезонлари ва унга қуйиладиган талаблар:
- касбий танлов буйича ташхис марказларининг фаолияти;
- ихтисослик йуналишнинг истикболдаги тарақиёти ва унга касбий жихатдан мослашиб бориши йуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- мутахассислик ва йуналишлар буйича Давлат таълим стандартлари мазмунини;
- касбий тайёргарлигини буйича укув режаси ва дастурлар мазмунини;
- касб-хунар коллежларида укув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни;
- касбий фанларни уқитиш жараёнининг тузилиши, қонуният ва тамойилларини;
- касбий фанларни уқитиш жараёнида махсус фан уқитувчисининг вазифалари ва укув-билиш фаолиятини ташкил этишни;
- касбий фанларни уқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, укув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти) ни ташкил этиш ва утқизиш методикасини;
- касбий фанларни уқитиш жараёнида укувчиларнинг билим, қуникма ва малакаларини ташхис этиш турлари, шакл ва методларини;
- касбий фанларни уқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- касбий фанларнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;
- машгулот ишланмаларини тайёрлаш, махсус фанларнинг укув-услугий мажмуаларини ишлаб чиқиш;
- махсус фанларни уқитиш жараёнида рейтинг тизимини куллаш, махсус фанларни уқитишда машгулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш;
- очик машгулотларни утқизиш ва хужжатларини расмийлаштириш, йил, семестр буйича укув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш;
- аудиториядан ташқари иш шаклларига раҳбарлик қилиш;
- уқитиш жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол технологияларни куллаш;
- тайёргарлик йуналишнинг асосий фанлари буйича машгулотларни утқизиш;
- укув жараёнини режалаштириш ва тарбиявий тадбирларни утқизиш;
- бандлик хизмати билан ишлаш;

-укувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниклаш буйича турли тестлардан фойдаланиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.6. Чизма геометрия, муҳандислик графикаси ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш асослари фани буйича

Бакалавр:

-чизма геометрия, чизмачилик: фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар методи; муҳандислик графикаси ва лойиҳалаш асослари: геометрик моделлаштириш асослари, проекциялар ва проекциялаш турлари, комплекс чизма, чизма-конструкторлик ишлари ва компьютерлик графикасини автоматлаштириш усуллари ва тамойиллари, лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

-нукта, тугри чизик ва текисликларнинг узаро тегишлигига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари; улчами аникланадиган (метрик) масалалар; ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари аксонометрик тасвирлар, сиртлар, сиртдаги нукталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишуви, деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизма буйича уқиш ва деталлаштириш, ёйилма, ажраладиган ва ажралмайдиган бирикмаларни, муҳандислик графикасини, автоматик лойиҳалаш усулларини; замонавий автомаглаштирилган лойиҳалаш тизимлари таркиб топадиган аппаратлар ва дастурий компонентларни, математик ва геометрик моделлаш тизими асосларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

-конструкторлик ҳужжатларининг мажмуи, стандартлашнинг давлат тизими, муҳандислик графикасининг техникавий воситаларидан фойдаланиш, геометрик моделлаш тизимининг математик асосларидан фойдаланиб чизмаларни автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.7. Узаро алмашувчанлик, стандартлаштириш ва техникавий улчовлар фани буйича

Бакалавр:

-улчаш воситалари, уларни назорат қилиш тизимлари;
 -улчаш воситаларини аттестация қилиш усуллари;
 -стандартлаштириш тамойиллари ва стандартлар;
 -улчамлар, жоизликлар, утказувлар ва уларни ҳисоблаш усуллари;
 -гадир-будирлик, оғиш, юзаларнинг шакли ва жойлашув курсаткичларининг жоизлиги тизими, уларни назорат қилиш усуллари ва воситалари;
 -улчам занжирлари ва уларни ҳисоблаш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
 -машина ва механизмларни конструкциялаш асосларини;
 -техник улчаш воситаларини;
 -стандартлаш давлат тизими, стандартлар категориялари ва турларини;
 -улчам хатоларини аниклаш усулларини;
 -жоизлик ва утказув тизимларини тузиш тамойилларини;
 -намунавий бирикмаларнинг жоизлиги ва утказув тизимини;
 -улчам занжирларини ҳисоблаш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

-техникавий тизимларни тузиш ва уқиш;
 -улчаш воситаларини текшириш ва назорат қилиш;
 -деталнинг геометрик параметрларини улчаш;
 -улчаш воситаларини танлаш;
 -намунавий бирикмаларнинг жоизликлари ва туташмаларини ҳисоблаш ва танлаш;
 -улчам занжирларини ҳисоблаш;
 -технологик ечимларни ишлаб чиқишда меъёрий-техник ҳужжатларни куллаш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.8. Гидравлика ва гидропневмо юритмалар фани буйнча**Бакалавр:**

- гидротизимларда кулланиладиган суюкликларнинг хусусиятлари;
- асосий қонунлар, уларнинг мақсади ва вазифалари;
- махаллий қаршилиқлар турлари;
- гидроюритма тизимларида фойдаланиладиган ускуналарнинг асосий ва ёрдамчи турлари;
- гидроюритманинг асосий ускуналарида кечадиган жараёнлар;
- кувурлар тури *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- гидромеханиканинг асосий қонунларини, гидромашиналарнинг параметрларини ҳисоблаш усулларини, гидропневмо узатмаларнинг тавсифини;
- стандартлаштириш тизимини;
- кувурларни ҳисоблашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- гидроузатмалардаги чизмалар, схемалар ва эскизларни бажариш ва уларни уқиш;
- гидравлик машиналар, гидро ва пневмо узатмалар тавсифларини ҳисоблаш;
- гидроузатмаларда фойдаланиладиган суюқ ва каттик материалларнинг механик хусусиятларини аниқлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.9. Материаллар қаршилиғи фани буйнча**Бакалавр:**

- ташки кучлар ва уларнинг таснифи, ҳисоблаш тарихи, қисмлар шаклини тарқлаш, ички кучлар ва уларни аниқлаш усули;
- деформацияланаётган жисм тугрисидаги асосий фаразлар, кучли деформацияланган ҳолат ҳақидаги тушунча;
- Гук қонуни, Мор емирилиш мезони ва статик аниқлаб бўлмас топшириклар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- бурашда стерженнинг пишиқлиги ва каттиқлигини ҳисоблашни;
- энергетик теоремалар ва уларни қуллашни;
- Лагранж теоремаси, Мор интегралли ва уни ҳисоблашнинг аналитик график усулини;
- Лаплас тенгламаси, Эйлер масаласи, Гриффитс назарияси, материалларнинг назарий ва амалдаги пишиқлиги ва динамик зуриқишга чидамлилигини ҳисоблашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- компьютордан фойдаланиб статик ноаниқликни очишнинг замонавий усулининг шарҳлаш;
- қуламдор деформация, деформация ва зуриқиш уртасидаги боғлиқлик, чегаравий ҳолат назариясини шарҳлаш;
- юпка деворли қувур ҳисоби, стерженлар барқарорлиги ва барқарор эмаслиги тушунчаси таҳлил қилиш;
- материалларнинг мурт ва шилимшиқ емирилиши, айланиш мутаносиб юкланган қобилигини ҳисоблашнинг моментсиз назарияси ва моментсиз ҳолатни белгилаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.10. Машина ва механизмлар назарияси фани буйнча**Бакалавр:**

- халқ хужалигида ишлатиладиган турли машина ва қурилмалардаги механизмларнинг турлари, тузилиши, ишлаш тартиби;
- механизмларнинг ҳаракат траекториялари ва уларни лойиҳалаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- механизмларнинг асосий геометрик, кинематик ва динамик параметрлари, узаро бир-бирига таъсири ҳамда уларнинг тузилиши, кинематикаси ва динамикаси жиҳатидан таҳлил қилиш ва синтезлашнинг умумий услубларини;
- ҳозирги замон талабларига мос машиналар, асбоблар, автоматик қурилма ва комплексларни яратиш учун амалиёт томонидан қуйилган барча талаблар ва шартларга

мувофик келувчи механизмларнинг энг мақбул конструкцияси ҳамда параметрларини аниқлаш ва лойиҳалашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-машиналарда бажариладиган технологик жараёнлар учун механизмдан талаб этилган ҳаракат қонунига мувофик унинг турини танлаш, тузилиши буйича синтезлаш ҳамда кинематик ва динамик жиҳатдан таҳлил қилиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.11. Машина деталлари фани буйича

Бакалавр:

-машиналарда умумий вазифаларни бажарувчи деталлар, йигма бирикмалар (узеллар), узатмалар, уқлар, валлар, подшипниклар, йуналтирувчилар, муфгалар, пружиналар, рессорлар ва бошқа қисмлар ҳамда уларни ишлатилиш соҳалари;

-машиналар деталларини, узелларини ҳисоблаш ва конструкциялашнинг назарий ва амалий асослари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-машиналарнинг таркибий қисмлари, деталлари, узеллари, агрегатларнинг конструкцияси, русумланиши ва ишлашга лаёқатлилик мезонларини;

-машиналарда деталларнинг биргаликда ишлаш назарияси ва уларни ҳисоблаш усулларини;

-машиналарда умумий вазифаларни бажарувчи қисмларнинг таснифи, вазифаси, конструкцияси, қулланиш соҳалари, асосий параметрлари, юкланиш хусусиятлари, ишлаш ишончилиги ва лаёқат мезонлари ҳамда уларни ушбу мезонлар асосида ҳисоблаш, конструкциялаш ва лойиҳалаш усулларини;

-механизмлар ва умумий қисмларни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-машиналардаги умумий вазифаларни бажарувчи қисмларнинг юкланиш схемаларини тузиш, юкланиш хусусиятига кура ишлашга лаёқатлилик мезонларини белгилаш ва ушбу мезонлар асосида асосий параметрларни берилган талабларга мувофик ҳисоблаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*;

6.2.3.12. Материалшунослик, конструкцион материаллар технологияси фани буйича

Бакалавр:

-жисмнинг иши ва унинг кинетик энергиясининг узгариши орасидаги муносабат;

-атом ядроси тузилиши, Менделеев жадвали, кимёвий реакция, ички энергия, кимёвий энергия, коррозиянинг кимёвий асослари, коррозия-актив муҳит;

-иш ва қувват, молекуляр физика асослари ва термодинамика, электромагнетизм, атом физикаси элементлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

-ишлаб чиқариш ва эксплуатация шароитларида материалларда кечадиган ходисаларнинг жисмоний моҳиятини;

-материаллар хусусияти билан кузга қуринадиган шикастлар орасидаги боғланишни;

-замонавий металл ва нометалл материалларнинг асосий хусусиятларини;

-металлар ва қотишмалар олиш жараёнининг моҳиятини;

-турли усуллар билан заготовклар олишнинг хусусиятларини;

-пайвандлаш ва қавшарлаш ёрдамида ажралмас бирикмалар олиш тамойилларини;

-заготовқани кесиб ишлаш усулларининг физик асосларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

-машина деталларининг юқори ишончилиқ ва чидамлилигини таъминловчи тузилма ва хусусиятларини ҳосил қилиш мақсадида материални ва унга ишлов бериш усулини танлаш;

-материалларнинг асосий тавсифларини тажриба йули билан аниқлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.13. Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси фани буйича

Бакалавр:

-халқ хужалигида транспорт воситаларининг аҳамияти;

-транспорт воситаларининг ишлаш қобилияти;

- транспорт воситаларини такомиллаштириш йуналишлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- транспорт воситаларининг асосий илмий-техник муаммолари ва тараккиёт истикболларини;
- транспорт воситаларига асосий техник-иктисодий талабаларни;
- транспорт воситалари самарадорлиги мезонларини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- транспорт воситаларининг фойдаланиш хусусиятларига тегишли асосий курсаткичларни аниқлаш;
- транспорт воситаларини ҳисоблаш ва муайян ишлатиш шароитлари учун уларни комплекшлаш;
- транспорт воситаларининг муайян фойдаланиш шароитларига мослашувини ва самарадорлигини ошириш буйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
- транспорт воситалари конструкциясини таҳлил қилиш ва баҳолаш **қуникмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.14. Электротехника ва автомобилларнинг электрон жиҳозлари фани бўйича

Бакалавр:

- электромагнит индукцияси коидаси;
- электр ва электрон аппаратларда энергияни узгартириш усуллари ва имкониятлари;
- электротехника, электрон, микроэлектрон қурилмалар ва аппаратларнинг замонавий ҳолати ва тараккиёт истикболи;
- электротехника, электрон асбоблар ва бошқариш схемалари;
- бирламчи манбалардан фойдаланиб электр, электрон схемаларни ҳисоблаш ва қуриш усуллари;
- автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозларининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истикболлари;
- автомобилларнинг электр жиҳозларига қуйиладиган талаблар;
- электр ва электрон жиҳозларнинг автомобилларни ишончли, самарали ва хавфсиз ишлатилишидаги аҳамияти ва урни **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- узгарувчан ва узгармас токли қурилмалар уларнинг, ишлаш тамойиллари, конструкцияси тавсифларини;
- вектор диаграмма тузиш йули билан узгарувчан ток электр занжирини ҳисоблаш хусусиятларини;
- электромагнит аппаратларнинг иш тартиби, ишлаш тамойили, тузилиш хусусиятлари ва уларни бошқариш усуллари;
- уч фазали узгарувчан ток электротехник қурилмаларининг конструкцияси, тузилиши асосларини;
- кучланишни узгартириш асослари, бир фазали ва уч фазали трансформаторларнинг тузилиши, ишлаш тамойили ва тартибини;
- электр машиналари конструкцияси, характеристикаси, ишлаш тамойили, қурилиши, турлари, уларни бошқаришни;
- узгартирувчи қурилмаларнинг тавсифи, конструкцияси, ишлаш тамойили, тузилиши, турларини;
- электр юритмаларда электр машиналарни бошқариш, танлаш, ҳисоблаш асосларини;
- электрон ва яримутказгич асбобларнинг характеристикаси, ишлаш тамойили, конструкцияси, тузилиш асосларини;
- электрон ва яримутказгич элементларни қуллаб электр схемаларини ҳисоблаш ва қуриш асосларини;
- автомобиллар электр жиҳозларининг умумий схемасини;

- электр ва электрон жихозларга тааллуқли асбоб ва агрегатларнинг вазифасини, тузилиши ва ишлашини;
- электр ва электрон жихозларда юзага келиши мумкин булган носозликлар ва уларни олдини олиш ва бартараф қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- электротехника ва электрон қурилмалари техник параметларини уларнинг паспорт маълумотларига қараб аниқлаш;
- электр улчов асбобларини қуллаб тадқиқот утказиш учун электр машиаларнинг тавсифларини олиш;
- электр ва электрон схемалар элементларини ҳисоблаш ва аппаратлар танлаш;
- электротехник, электрон қурилмалар билан ишлаш;
- интеграл микросхемаларни қуллаб электрон схемалар яратиш;
- электр ва электрон жихозларнинг техник ҳолатини аниқлаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- автомобилларнинг электр ва электрон жихозларини самарали ишлатиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.15. Иссиклик техникаси ва ички ёнув двигателлари фани бўйича

Бакалавр:

- асосий термодинамик параметларни улчаш воситалари таркибига қирадиган улчов асбобларининг вазифалари;
- ички ёнув двигателлар иш жараёнини ташкил этиш усуллари, двигателларнинг турлари, ишлатиладиган ёнилги, мойлар ва техник суюқликларнинг афзалликлари ва камчиликлари;
- куч агрегати хусусиятлари ва иш шароитининг транспорт воситалари техник эксплуатацион курсаткичларига таъсири *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- иссиклик техникаси атамалари ва термодинамика қонунларини;
- газ ва суюқликлардаги термодинамик жараёнларни;
- иссиклик ва ёниш асосларини;
- ички ёнув двигатели цилиндрида ҳақиқий цикл амалга оширилаётганида кечадиган жараёнлар моҳияти ва вазифасини;
- ёнилгининг кимёвий энергиясини ички ёнув двигатели ишига айлантириш қонуниятлари ва самарали усуллари;
- асосий конструктив, режим-эксилуатацион, об-хаво ва иқлим омилларининг двигателдаги жараёнларга, двигателнинг ташқи ва экологик курсаткичларини шакллантиришга таъсирини;
- двигателнинг техник-иктисодий ва экологик курсаткичларини ва тавсифларини яхшилашнинг замонавий усуллари;
- двигателлар ривожланишининг тенденция ва йуналишларини;
- двигател ишини оптимал ташкил этиш усуллари;
- текширув-конструктив ҳисобларни;
- транспорт двигателларини синашни ташкил этиш ва утказиш усуллари;
- захарли қомпонентлар чиқиш миқдорини ҳисоблаш усуллари *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- иссиклик энергетикаси усқуналари тавсифларини тажриба йули билан аниқлаш;
- иссиклик техника курсаткичларини ҳисоблаш;
- двигател иши курсаткичларини таҳминий ҳисоблаш;
- двигателлар тавсифи ва асосий курсаткичларини транспорт ишларининг бажарилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш;
- двигателларнинг ёнилги аппаратураси ва ут олдириш тизимини сошлаш, қувватни, иктисодий ва экологик курсаткичларни оптималлаштириш учун синовлар утказиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.16. Ишончлилиқ назарияси ва диагностика асослари фани буйича Бакалавр:

- транспорт воситалари детал ва узелларининг эксплуатация жараёнида узгариши;
- бузилиш ва носозлик;
- ишончлилиқ ва диагностика;
- транспорт воситалари ишончлилигига таъсир этувчи омиллар;
- диагностик меъёрлар хақида *тасаввурга эга булиши*;
- транспорт воситаларининг ишлаш қобилиятини;
- бузилишларнинг тақсимланиш қонуниятларини;
- ишончлилиқ хусусият курсаткичларини;
- диагностик ташқи белгиларни;
- транспорт воситаларини диагностикалаш воситалари ва усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- транспорт воситалари диагностик курсаткичларини синов буйича аниқлаш;
- транспорт воситаларига диагноз қўйиш;
- транспорт воситаларининг эксплуатацион ишончлилиги буйича маълумотлар йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил этиш;
- транспорт воситаларининг ишончлилигини ошириш буйича тақлифлар ишлаб чиқиш *қуникмаларига эга булиши керак*.

6.2.3.17. Транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материаллар Бакалавр:

- нефт ва газни қайта ишлаш саноати тузилмаси;
- нефт ва газ саноатининг ҳомашё базаси;
- транспорт воситаларида ишлатиладиган эксплуатацион материалларнинг сифат курсаткичлари ва хусусиятлари *хақида тасаввурга эга булиши*;
- эксплуатацион материалларнинг асосий тушунчаси, атамалари ва ишлатиш соҳасини;
- эксплуатацион материалларга қўйиладиган талаблар, транспорт воситаси тежамқор ва ишончли ишлашида ёнилғи-мойлаш материаллари сифатининг таъсирини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ёнилғи-мойлаш материалларининг сифат курсаткичларини мустақил аниқлаш ва таҳлил этиш;
- кимёвий реактивлар, жиҳозлар, асбобларни ишлата олиш *қуникмаларига эга булиши керак*.

6.2.3.18. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани буйича Бакалавр:

- ишлашнинг хавфсиз йуллари ва усуллари;
- ишлаб чиқариш биноларининг метрологик шароитлари;
- ёритиш турлари ва тизимлари;
- ишлаб чиқариш биноларининг ёнғин хавфсизлиги;
- радиацион хавфсизлик;
- ионловчи нурланиш;
- ишловчиларни хавфсиз усулларга ургатиш *хақида тасаввурга эга булиши*;
- меҳнатни муҳофаза қилиш буйича асосий қонуний актларни;
- вентиляция тизими ва ҳаво алмашинувини аниқлаш усулларини;
- табiiй ёритиш меъёрлари, асосий ёруғлик-техник бирликларни;
- зарарли моддаларнинг руҳсат этилган чегаравий концентрациясини;
- ёнғинларни учириш усулларини;
- ташиш ишларида хавфсизлик шароитларини;
- транспорт вақтида хавфсизликни таъминлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ишлаб чиқариш биноларида метеорологик шароитларни таъминлаш;

- ишлаб чиқариш биноларида ҳаво алмашинувини, сритилишни ҳисоблаш;
- ишлаб чиқаришда титрашлар ва шовкинни улчаш;
- ёнгин учириш техник воситаларидан фойдаланиш;
- бахтсиз ходисаларда зарар курганларга биринчи тиббий ёрдам курсатиш

қуникмаларига эга бўлиши керак.

6.2.3.19. Техник тизимларни бошқариш фани бўйича Бакалавр:

- техник тизимларни бошқариш усуллари ва технологияси;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялар;
- бошқаришнинг техник воситалари;
- техник тизимларни бошқаришда қулланиладиган информацион технологиялар

ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- техник хизмат таркибларини;
- техник хизматни ташкил этиш услублари ва шаклларини;
- қарор қабул қилиш усуллари ва таснифини;
- транспорт мажмуасида бошқаришни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- транспорт тизимида бошқариш маълумотларини таҳлил этиш ва қарор қабул

қилиш:

- бошқаришда қулланиладиган ҳужжаглр ва уларни юритиш;
- техник хизматни сертификатлаш;
- ахборот турлари. манбалари. уларни туплаш ва таҳлил қилиш;
- транспортда техник тизимни ташкил этиш ва бошқариш *қуникмаларига эга*

бўлиши керак.

6.2.3.20. Транспорт воситалари деталларининг иш қобилиятини қайта тиклаш технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

- агрегат, узел, детал тушунчалари;
- деталларни қайта тиклаш усуллари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- деталларнинг геометрик улчамлари ва физик-механик хусусиятларини;
- нуксонларнинг турларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- детал нуксонларини аниқлаш;
- намунавий деталларни қайта тиклаш технологияларини қўллаш *қуникмаларга эга*

бўлиши керак.

6.2.3.21. Автомобил транспортги иқтисодиёти ва менежмент фани бўйича Бакалавр:

- автотранспорт корхоналарида менежментнинг мақсади ва вазибалари;
- меҳнат жараёнини ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш;
- лойиҳаларни молиялаштирувчи институтлар;
- менежментнинг турлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- автотранспорт ишини бажаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини;
- меҳнат жараёнини ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни;
- менежмент инфраструктурасини;
- менежмент маданиятини;
- бошқариш тизимида ҳуқуқий ва ахборот таъминотини *билиши ва улардан*

фойдалана олиши;

- бизнес-режани ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш;
- ҳодимлар иш ҳақи ва меҳнатини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- лойиҳаларни молиялаштириш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- персонални танлаб олиш ва профориентациялаш *қуникмаларига эга бўлиши*

керак.

6.2.4. Иختисослик фанлари буйича талаблар

6.2.4.1. Автотранспорт тармоғи корхоналарининг лойиҳалаш фани буйича

Бакалавр:

- автотранспорт тармоғи корхоналарининг таснифи, улардаги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқариш техник базаси тараққиёти ва истикболи;
- автотранспорт тармоғи корхоналарининг технологик лойиҳалаш услубиёти, асослари ва тартиблари;
- автотранспорт тармоғи корхоналари ишлаб чиқариш дастурини аниқлаш;
- республика ва хорижий мамлакатлар автотранспорт тармоғи корхоналарининг замонавий лойиҳалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- автотранспорт тармоғи корхоналаридаги технологик жараёнларни;
- автотранспорт тармоғи корхоналарининг технологик ҳисобини;
- автотранспорт тармоғи корхоналарининг техник хизмат курсатиш ва жорий таъмирлаш технологик жараёнларини механизациялаш даражасини аниқлашни;
- автотранспорт тармоғи корхоналари лойиҳаларининг техник иқтисодий курсаткичларини аниқлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- автотранспорт тармоғи корхоналарининг ишлаб чиқариш дастурларини мавжуд усуллар асосида аниқлаш ва режалаштириш;
- автотранспорт тармоғи корхоналари ишлаб чиқариш жараёнининг функционал схемаси ва графиги асосида корхонанинг бош режаси схемасини ва ишлаб чиқариш биноси лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- устахоналар, минтақалар ва омборхоналарни режалаштириш;
- автотранспорт тармоғи корхоналари ишлаб чиқариш базасини қайта куриш ва техник қайта жиҳозлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш *қуникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.4.2. Автомобиллар техник эксплуатацияси фани буйича

Бакалавр:

- автомобиллар техник эксплуатациясининг жамиятдаги урни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти;
- соҳадаги давлат сиёсати ҳамда уларнинг ривожланиш тенденцияси ва истикболлари;
- техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш режали оғоҳлантирув тизимининг асосий тамойиллари;
- автомобиллардаги асосий носозликларни бартараф этиш;
- автомобилларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш технологияси;
- автомобил транспорти корхоналаридаги технологик жиҳозларнинг турлари;
- автомобилларга техник хизмат курсатиш, таъмирлаш ва диагностикалаш ишларини бажаришда фойдаланиладиган жиҳоз, мослама ва асбоб-ускуналар;
- янги технологик жиҳозларни ишлаш тамойили, ишга тушириш тартиби ва уларга техник хизмат курсатиш ҳамда таъмирлаш тизими;
- ностандарт жиҳозлар ва махсус асбоб ускуналар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- соҳадаги илмий-техник тараққиёт ҳақидаги маълумотларни тизимлаштиришни;
- автомобиллар эксплуатация шароитларини аниқлашни;
- автотранспорт воситаларини сақлаш усулларини;
- автотранспорт воситаларига техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш технологик жараёнини;
- соҳадаги мавжуд асосий ҳуқуқий, меъёрий-техник ва технологик ҳужжатларни;
- автотранспорт корхоналарида технологик жиҳозларини хавфсиз эксплуатация қилиш қоидаларини;
- замонавий технологик жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотларини;
- ностандарт жиҳозларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ишлатиш буйича технологик жараёнларни ишлаб чиқишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- автомобилларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш учун ишлар таркибини аниклаш;
- автомобилларни саклашни ташкил этиш ва турли экстремал шароитларда ҳам уларнинг ишлаш қобилитини таъминлаш;
- корхонани модернизация қилиш учун технологик жиҳозларни танлаш, урнатиш ва ишлатиш технологияларини узлаштириш;
- ностандарт жиҳозларнинг лойиҳаларини компьютерлардан фойдаланиб бажариш;
- тайёрланган ностандарт жиҳозлардан фойдаланиш йуриқномаларини ишлаб чиқиш;
- технологик жиҳозларга техник хизмат курсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.3. Автомобиллар сервис асослари фани буйича

Бакалавр:

- автомобил транспорти ва автомобил сервисининг жамиятдаги урни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти;
- автомобил сервис буйича техник сиёсат ҳамда уларни мамлакатимизда ва жаҳонда ривожланиш тенденцияси ва истиқболлари;
- автомобиллар техник сервис ва таъмирлаш тизими;
- автосервис корхоналарининг турлари, технологик жараёнлар ва уларнинг тараққиёги ва истиқболи;
- автомобиллар сервис корхоналарида хизмат турларининг ташкил этилиши *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- сервисга булган талабни урганиш усулларини;
- соҳадаги мавжуд асосий ҳуқуқий-меъёрий, техник - технологик ҳужжатларни;
- автосервис корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишни;
- сервис ва унинг сифатига қўйиладиган талабни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- автомобилларга техник сервис курсатиш ва жорий таъмирлаш ишини ташкил этиш;
- мижозлар билан ишончли мулоқат урнатиш, буюртмалар қабул қилиш, маслаҳатлар бериш ва хизматлар қуламини ошириш;
- сервис корхоналаридаги пост ва устахоналарнинг узаро энг қулай жойлашишини шакллантириш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.4.4. Автомобилларда ташиш ва ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари фани буйича

Бакалавр:

- транспортда юк ва йуловчилар пассажирлар ташишнинг асосий элементлари;
- автомобилларни асосий иш курсаткичлари;
- автомобиллар иш унуми;
- йул ҳаракатини ташкил этишнинг мақсади ва вазифалари;
- йул шароитини тавсифловчи курсаткичлар ва уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсири *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- автомобилларни танлашни;
- автомобиллар ҳаракатини ташкил этишни;
- транспортда ортиш-тушириш ишларини этишни;
- йул-транспорт ходисалари таърифи, турларини;
- хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашда, автомобиллар техник ҳолатининг аҳамиятини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- автомобиллар иш курсаткичларини ҳисоблаш;
- йуловчилар ташиш ишларини такомиллаштириш;
- йул-транспорт ходисалари ва уларнинг курсаткичларини аниклаш;

-йул ҳаракатини ташкил этишнинг услубий асослари ва амалий тадбирларини ишлаб чиқиш *қуникмаларига эга бўлиши керак.*

6.3. Танлов фанлари буйича бакалаврларнинг билим, малака ва қуникмаларига қўйиладиган талаблар:

Таълим йўналиши буйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

7. Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари

7.1. 5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) таълим йўналиши буйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли буйича 4 йил уқишга мулжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	136 ҳафта
Малака амалиёти	16 ҳафта
Шу жумладан педагогик амалиёт	8 ҳафта
Битирув иши	5 ҳафта
Аттестация	19 ҳафта
Таътил	28 ҳафта
Жами	204 ҳафта

7.2. Талаба ҳафталик укув юкламасининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги укув юкламаси - 36 соатгача, колган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3. Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4 йиллик укув даври учун ҳафталик укув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4. Таълим дастурини талабалар томонидан узлаштиришда укув фанларидан бир қатор масалалар ёки муаммоларни ечиш учун мустақил таълими кузда гутилади.

7.5. 5111000-Касб таълими (5310600 – Ерусти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (автомобил транспорти)) бакалаврият таълим йўналиши буйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки буйича бакалаврлар тайёрларлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

7.5.2. Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.2.1. Олий математика:

алгебра: асосий алгебраик тузилмалар, айрим векторли фазовий ва чизикли ифодалар, Буль алгебраси;

геометрия: аналитик геометрия, кўн улчамли Евклид геометрияси, чизиклар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари;

дискрет математика: мантикий ҳисоблашлар, графлар, алгоритмлар назарияси, тиллар ва грамматикалар, автоматлар, комбинаторика;

анализ: дифференциал ва интеграл ҳисоблаш, функция назарияси ва функционал таҳлил элементлари, комплекс узгарувчилар функциялари назарияси, дифференциал тенгламалар;

эҳтимоллик ва статистика: эҳтимоллик назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлари. фаразларни текшириш, юкори тартиб ухшатишлар тамойили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

7.5.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари:

информатика, ахборот технологиялари тушунчаси: ахборот йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва туплаш жараёнларининг умумий тавсифи; информацион жараёнларни амалга оширишнинг техникавий ва дастурий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш; юкори даражадаги дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси; компьютер графикаси асослари.

моделлаштириш: модел ҳақида тушунча, моделлаштириш турлари, уларнинг ухшашлиги ва фарқлари; мантикий моделлар; информацион моделлар; иктисодий-математик моделлар; муайян жараёнлар учун эҳтимолий моделлар ва шу моделлар куламида ҳисоблаш; дастурий таъминот ва дастурлаш технологияси; компьютер графикаси; *уртача катталиклар ва вариацион қаторлар:* уртача кийматларни аниқлаш усуллари, вариация коэффициентлари;

статик усуллар: абсолют ва нисбий курсаткичлар, индекс усули; усиш суръати, кушимча усиш, улардан фойдаланиш;

башиоратда математик усуллар: экстраполяция усуллари қуллаш, эксперт баҳолаш усули ва х. к.

масофадан туриб ўқитиш усуллари: интернетдаги WEB саҳифалар. E-mail тиллари.

7.5.2.3. Физика:

механиканинг физик асослари: классик механикада ҳолат тушунчаси, ҳаракат конунлари, сақланиш конунлари, релятив механика асослари, механикада нисбийлик тамойили, каттик жисм, суюқлик ва газлар кинематикаси ва динамикаси;

электр ва магнетизм: вакуумда ва моддада электростатика ва магнетостатика, интеграл ва дифференциал куринишдаги Максвелл тенгламалари, моддий тенгламалар, квазистационар тоқлар, элекгродинамикада нисбийлик тамойили;

тебраниш ва тулқинлар физикаси: гармоник ва ногармоник осциллятор, спектрал ёйилманинг физикавий маъноси, тулқин жараёнлари кинематикаси, меъёрий модлар, тулқинлар интерференцияси ва дифракцияси. Фурье оптикаси элементлари;

квант физикаси: корпускуляр-тулқин дуализми, ноаниқлик тамойили, квант ҳолатлари, суперпозиция тамойили, ҳаракатнинг квант тенгламалари, физикавий катталиклар операторлари. атомлар ва молекулаларнинг энергетик спектри. кимёвий боғланиш табиати;

статик физика ва термодинамика: термодинамиканинг уч конуни, ҳолатнинг термодинамик функциялари, фазовий мувозанатлар ва фазовий узгаришлар, мувозанатсиз термодинамика элементлари, классик ва квант статикаси, кинетик ҳодисалар, зарядланган зарралар тизимлари, конденсациялашган ҳолат.

7.5.2.4. Кимё:

кимёвий тизимлар: эритмалар, дисперс тизимлар, электркимёвий тизимлар, катализаторлар ва каталитик тизимлар, полимерлар ва олигомерлар;

кимёвий термодинамика ва кинематика: кимёвий жараёнлар энергетикаси, кимёвий ва фазовий мувозанат, реакция тезлиги ва уни бошқариш методлари, тебранувчи реакциялар;

моддаларнинг реакцияга киришиш қобилияти: кимё ва элементларнинг даврий тизими, моддаларнинг кислотали-асосли ва оксидланиш-кайтарилиш хоссалари, кимёвий боғланиш, комплиментарлик;

кимёвий идентификация: сифатий ва миқдорий таҳлил, аналитик сигнал, кимёвий, физикавий-кимёвий ва физикавий таҳлил.

7.5.2.5. Назарий механика:

статика: статика аксиомалари, (бир нуктада) кесишувчи кучлар тизими, жуфт кучлар назарияси, куч моменти, эркин жойлашган кучлар тизими, массалар маркази;

кинематика: нукта кинематикаси (нукта ҳаракати берилишининг усуллари, нукта тезлиги ва тезлаиши), нуктанинг мураккаб ҳаракати, каттик жисм кинематикаси (каттик жисмнинг оддий, текис ва сферик ҳаракати), каттик жисмнинг мураккаб ҳаракати;

динамика: нукта динамикаси, инерцион ва ноинерцион ҳисоб тизимларида нукта ҳаракатининг дифференциал тенгламалари, каттик жисм динамикаси (илгарилама-қайтма, текис ва айланма ҳаракатларнинг динамик тенгламалари, Эйлернинг динамика ва кинематика тенгламалари, Даламбер тамойили, динамик реакциялар), аналитик механика асослари (динамиканинг умумий тенгламаси, эҳтимолий силжиш тамойили, Лагранж тенгламаси), механик тизимлар тебранишлари ва тургунлиги.

7.5.2.6. Экология:

биосфера ва инсон: биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, муҳит ва организмларнинг узаро муносабаги, экология ва инсон саломатлиги, атроф-муҳитнинг глобал муаммолари;

табиатдан фойдаланиш: табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойиллари, табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик ҳимоя техникаси ва технологияси, экологик ҳуқуқ асослари ва касбий масъулият, атроф-муҳит соҳасида халқаро ҳамкорлик.

7.5.3. Умумқасбий фанлар мазмуни ва компонентлари**7.5.3.1. Касбий психология:**

Касбий психологиянинг вазифаси, қулланиш соҳаси, предмети ва асосий муаммолари, методлари. Уқитувчи ва таълим психологи: бир-бирини тушуниш асослари. Таълим муҳитининг психологик тавсифлари ва таълим муҳитининг психологик хавфсизлиги. Таълим жараёни иштирокчиларининг психологик саломатлиги, таълим муҳитида психодиагностик фаолият. Ургатиш моделлари ва тажрибани узлаштириш механизмларининг тавсифи. Уқув фаолияти, уқув фаолиятини мотивациялаш. Уқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш. Уқитиш психологияси. Ургатиш моделлари ва тажрибани узлаштириш механизмларининг тавсифи. Уқигишнинг турли моделларини ривожлантириш имкониятлари. Уқитиш технологияларининг психологик тавсифи. Уқув фаолиятини мотивациялаш. Уқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш: уқувчиларнинг ёши, жинсий ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Уқув фаолиятида назорат ва баҳолаш. Уқув фаолиятида муваффақиятга эришиш ва эришмасликнинг психологик детерминантлари. Педагог фаолиятининг психологик муаммолари. Тарбиялаш ва уз-узини тарбиялаш психологияси. Уқитувчи ва уқувчи: таълим жараёнида мулоқот ва ҳамкорлик. Касб танлашдаги инкирозлар касбий қобилиятларни шаклландирганини диагностика қилиш. Касбий шаклланиш жараёнида юзага келадиган турли қийинчиликлар. Онгли касб танлаш, ҳамда касбга йуналтиришга доир масалаларни таҳлил қилиш. Касб танлаш ва шахс хусусиятлари. Касбий уз-уз узини англашни шакллантириш. Шахснинг касбий хавфсизлиги психологияси. Касбий хавфсизликнинг психологик масалалари. Иш жой, меҳнат жамоаси, психик ҳолат.

7.5.3.2. Касбий педагогика:

Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунар таълими ривожланиш тарихи. Таълим туғрисидаги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Таълим тизими узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш. Узлуксиз таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, тузилиши. Урта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш ва бошқариш туғрисидаги асосий меъёрий ҳужжатлари. Урта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида касблар ва мутахассисликларнинг синфланиши. Касб-ҳунар коллежларини битирувчи кичик мутахассисларга қўйиладиган талаблар. Урта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни. Фан соҳалари буйича Давлат таълим стандартлари. Касбий таълим мазмунини шакллантириш тамойиллари. Касб таълимининг моҳияти, вазифаси ва тавсифи. Касбий таълим

мазмунини танлаш ва таҳлил қилишнинг илмий-методик асослари. Касб-хунар таълим муассасаларини бошқариш тузилмаси. Касбий билим, қуникма ва малакаларни шакллантириш қонунлари. Касбий таълимнинг чет эл тажрибалари билан алоқадорлиги. Таълимнинг дуал тизимлари. Ишчи касбларни таҳлил қила олиш. Касб таълимнинг фалсафий методологик асослари.

Касб таълими тизимини тадқиқ қилиш методлари. Касб таълимнинг тараккий этиш босқичлари. Бозор иқтисодиёти шароитида таълим муассасаларини ривожлантириш истиқболларини белгилаш. Урта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва бошқариш, касб-хунар коллежларини битирувчи- кичик мутахассисга қуйилган талаблар. Касбий таълим мазмунини танлаш ва таҳлил қилишни. Таълимнинг асосий шакллари, тамойиллари ҳамда тарбия методлари ҳақидаги билимларни амалда қўллаш олиш. Касб-хунар таълими мазмунини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар. Блок-модул ўқитишнинг методик асосларини амалда қўллаш.

Ўқитиш технологияси – амалий педагогик фан сифатида. Фаолиятга йўналган ўқитиш методларини технологик таъминлаш процедуралари.

7.5.3.3. Тарбиявий иш методикаси фани бўйича

Тарбиявий ишлар методикаси фанининг қонуниятлари ва қоидалари. Тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш. Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг самарали усул ва воситалари. Тарбиявий ишлар услубининг асосий аспекти ва йўналишлари. Тарбиявий ишларнинг компонентлари: педагогик маҳорат, педагогик техника ва маданияти назарияси ҳамда амалиёти. Ўқитувчи педагогик маҳоратининг таркибий қисмлари ва уларнинг моҳияти. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилият. Ўқитувчи иродаси, сабр-тоқати, мақсадга интилиши ва ўз ҳатти- ҳаракатларини идора қилиш техникаси. Жамоа фаолиятини ташкил этиш, тарбия жараёнига ижодий ёндашиш. Гуруҳ раҳбарининг педагогик ва ташкилотчилик фаолияти. Социометрия услуби орқали жамоани урганиш ва тарбиялашда гуруҳ раҳбарининг фаолиятининг урни. Мулоқот орқали таъсир курсата олиш. Ўқитувчи томонидан мулоқотга кириш жараёнида қўлланиладиган муомала услублари. Ўқитувчининг коммуникатив қуникмаси: “юзни ўқиш санъати”. Ўқитувчи томонидан ўқувчи билан мулоқотда бўлиш жараёнида қўлланиладиган педагогик таъсир курсатиш усуллари. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти. Педагогик одоб ва педагогик назокат меъёри. Гуруҳ билан ишлаш ва унга раҳбарлик қилиш ва тарбиячининг ота-оналар билан муносабат урнатиш методикаси. Педагогик низолар ва уларни бартараф этиш технологияси. Педагогик техниканинг шакллантириш услублари. Нутқ техникаси ва маданияти.

Ўқитувчининг таълим жараёнидаги маҳорати. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлик қилиш фаолиятини ташкил этиш. Ўқитувчининг дарсдан кейинги ижодий ҳолатини ташкил этиш. Ўқитувчининг тарбиячи сифатидаги маҳорати.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик мулоқот маҳорати, педагогик тажриба ва уни таъбиқ этиш, педагог фаолиятида шарқона муомала маданияти асослари.

7.5.3.4. Таълим технологиялари:

Таълим технология тушунчасининг илмий асослари. Таълим технологиясининг тоифа ва тамойиллари. Таълим технологияси ва унинг таркибий қисмлари. Ўқув жараёнини ташкил этишга қўйилган замонавий талаблар. Таълим оловчи шахси, таълим жараёнида шахс сифатларининг намоён бўлиши. Таълим технологияларининг таснифи ва асосий жиҳатлари. Таълим технологияларининг тамойиллари билан боғлиқликда кейинги амалий фаолиятда таълим жараёнини педагогик жиҳатдан яхлит тарзда ташкил этиш ва амалга ошириш. Таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириш, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириш ва ташкил этиш. Ўқувчи шахси – таълим технологиясида объект ва субъект сифатида. Педагогик технологиялар: тушунчалар: асосий сифатлари; илмий асослари; таснифи. Анъанавий ўқитиш. Гуруҳларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштириш технологияси.

Ҳамкорликда узаро уқиш. Таълим воситалари – таълим технологиясининг тарқибий қисми: таълимнинг техник воситалари; ёрдамчи таълим воситалари; укув услубий материаллар.

Муаммоли уқитиш технологияси. Уқитишнинг комплекс методлари.

7.5.3.5. Касбий таълим методикаси:

Касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш мазмуни. Касб таълими йуналишлар буйича таълим тизимининг узвийлиги ва узаро боғлиқлиги. Укув моддий базасини ташкил этилиши (укув материаллари ва мосламалар билан таъминланиши). Касбий фанларни уқитиш қонуниятлари ва тамойиллари. Касбий фанларнинг таълим мазмунини танлаш мезонлари. Касбий фанларнинг ташкилий шакллари. Касбий фанларнинг укув амалиётини ташкил этиш. Укув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш ва ташкил этиш. Касбий фан уқитувчисининг укув меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш мезонлари ва унга қуйиладиган талаблар. Касбий танлов буйича ташхис марказларининг фаолияти. Ихтисослик йуналишининг истикболдаги таракқиёти ва унга касбий жиҳатдан мослашиб бориш йуллари.

Касбий тайёргарлик буйича укув режаси ва дастурлар мазмуни. Касб-хунар коллежларида укув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш. Касбий фанларни уқитиш жараёнининг тузилиши, қонуният ва тамойилларини. Касбий фанларни уқитиш жараёнида маҳсус фан уқитувчисининг вазибалари ва укув-билиш фаолиятини ташкил этиш. Касбий фанларни уқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, укув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти) ни ташкил этиш ва утқизиш методикаси.

Касбий фанларни уқитиш жараёнида укувчиларнинг билим, қуникма ва малакаларини ташхис этиш турлари, шакл ва методлари.

Касбий фанларни уқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологиялари. Касбий фанларнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш. Машгулот ишланмаларини тайёрлаш, маҳсус фанларнинг укув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш. Маҳсус фанларни уқитиш жараёнида рейтинг тизимини қуллаш, маҳсус фанларни уқиғишда машгулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш. Очиқ машгулотларни утқизиш ва ҳужжаглари расмийлаштириш, йил, семестр буйича укув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш. Аудиториядан ташқари иш шакллари раҳбарлик қилиш. Тайёргарлик йуналишнинг асосий фанлари буйича машгулотларни утқизиш. Укув жараёнини режалаштириш ва тарбиявий тадбирларни утқизиш. Бандлик хизмати билан ишлаш. Укувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш буйича турли тестлардан фойдаланиш.

Машгулот ва инструктажни режалаштириш; замин ва дастлабки шароитларни баҳолаш; укув мақсадлари ва укув мазмунини келтириб чиқариш; машгулот ва (ёки) инструктаж утқизиш режасини тузиш. Машгулот ёки инструктажни утқизиш; назарий билимларни тавсифлаш ва баҳолаш.

Устахонада уқитишни режалаштириш; 4 босқичли методни қуллаш; йуналгирувчи матн методини қуллаш; лойиҳавий методни қуллаш; амалий малака ва хулқ-атворни тавсифлаш.

7.5.3.6. Чизма геометрия, муҳандислик графикаси ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш асослари:

чизма геометрия, чизмачилик: фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар методи; нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг узаро тегишлигига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари; улчами аниқланадиган (метрик) масалалар; ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари; купёкликлар, купёклиларни текислик ва тўғри чизиклар билан кесишуви; эгри чизиклар; сиртлар; айланиш сиртлари; чизикли сиртлар; винтли сиртлар; циклик сиртлар; умумлашган позицион масалалар; аксионометрик проекциялар; чизмачиликка оид давлат стандартлари; форматлар; масштаблар; чизиклар; шрифтлар; деталларга улчамлар қуйиш усуллари ва белгилари;

муҳандислик графикаси ва лойиҳалаш асослари: геометрик моделлаштириш асослари, проекциялар ва ироекциялаш турлари, комплекс чизма, чизмани қайта ҳосил қилиш, тасвирлар (куринишлар, киркимлар, кесимлар), аксонометрик тасвирлар, сиртлар, сиртдаги нуқталар ва чизиқлар, сиртлариинг кесишуви, деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизма буйича уқиш ва деталлаштириш, ёйилма, ажраладиган (резьбали, шлицали, шпонкали) ва ажралмайдиган бирикмалар, конструкторлик ҳужжаглариинг мажмуи, стандартлашнинг давлат тизими; муҳандислик графикасининг техникавий воситалари, компьютернинг график воситалари, интерактив компьютер графикаси, дастуравий воситалар, маълумотлар базасининг тузилиши.

компьютерда лойиҳалаш: лойиҳалашнинг принциплари ва вазифалари; лойиҳалашнинг даражалари, аспектлари ва босқичлари; лойиҳалашнинг намунавий масалалари; лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш зарурати;

автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари: (АЛТ): АЛТ лойиҳалаш объекти сифатида; АЛТларни ишлаб чиқиш жараёнлари; АЛТларни техникавий таъминланиши; АЛТларда қулланиладиган компьютер ва ҳисоблаш машиналари ҳақида умумий маълумотлар; АЛТларни умумтизимли дастурий таъминланиши; АЛТларни лингвистик таъминланиши; АЛТларни амалий дастуравий таъминлаш (АДТ); АЛТларнинг информацион таъминланиши; АЛТларда диалогни ташкил қилиш; АЛТнинг график тизимлари;

Mathcad: Mathcad интерфейси; Mathcad да тенгламалар ва тенгламалар тизимларини ечиш; Оптималлаштириш; Дифференциал тенгламаларни ечиш; Mathcad да ва Mathcad учун дастурлаш;

AutoCAD (Компас): умумий маълумотлар; координатлар тизими; оддий (примитив)лар ҳоссалари; экранни бошқариш; объектларни қуриш; чизмаларни шакллантириш командалари; чизмаларни таҳрирлаш; фазо ва чизма компоновкаси; уч улчамли объектларни шакллантириш; уч улчамли фазода таҳрирлаш; уч улчамли моделларни визуаллаштириш: иловалар билан ишлаш.

7.5.3.7. Узаро алмашувчанлик, стандартлаштириш ва техникавий улчовлар:

стандартлаш ва унинг методик асослари, стандартлаштириш давлат тизими, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати; узаро алмашувчанликнинг умумий тамойиллари, допусklar ва утқазиш (посадка)лар тузишнинг ягона тизими, силлиқ цилиндрик бирикмалар, конусли бирикмалар, тебраниш подшипниклари, намунавий бирикмалар (шпонкалар, шлицалар, резьбалар, тишли узатмалар), улчам занжирлари; деталлар шаклининг аниқлиги, сиртлар гадир-будирлиги, техник улчовларнинг асосий терминлари ва ифодалар, улчов усуллари ва воситалари, улчов воситаларининг метрологик курсаткичлари, улчашнинг универсал ва махсус воситалари; ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш, геометрик улчамларни улчаш, электрик курсаткичларни улчаш, ноэлектрик катталикларни электрик улчаш, бирламчи узгартиргичлар, улчов ахборот тизимлари.

7.5.3.8. Гидравлика ва гидропневмо юритмалар:

машинасозлик гидравликаси асослари, станоклар гидроприборларининг ишчи мухитлари, ишчи суюқликларнинг хоссалари, гидромеханиканинг асосий қонунлари; энергияни бир турдан иккинчи турга узгариш усуллари, технологик жиҳозларнинг ҳажмий гидромашиналари, гидро юритмалар тузилиши, гидравлик ижрочи органлар; соzлаш, тақсимлаш, технологик жиҳозларни назорат қилувчи гидравлик аппаратуралар, ижрочи орган тезлигини соzлаш усуллари, тезликни барқарорлаштириш (стабиллаштириш); гидравлик нусхаловчи (копировка қилувчи) тизимлар, электрогидравлик нусхаловчи юритмалар, электрогидравлик кадамли юритмалар; пневмагик юритмалар, пневмоанпаратура, гидропневмоавтоматика элементлари; гидропневмо-юритмани лойиҳалаш.

7.5.3.9. Материаллар каршилги:

ташки кучлар ва уларнинг таснифи, ҳисоб схемалари, деталлар шаклини тартиблаш (схематизациялаш), ички кучлар ва уларни аниқлаш усули, деформацияланадиган жисм ҳақидаги асосий фаразлар, зуриқиб деформацияланган ҳолат тугрисида тушунча, Гук қонуни, статик ноаниқ топшириқлар, стерженларни буралишда мустаҳкамлик ва бикрликка ҳисоблаш, энергетик теоремалар ва уларнинг қўлланилиши, Лагранж теоремаси, Мор интеграллари ва уни ҳисоблашнинг графоаналитик усули, компьютердан фойдаланиб статик ноаниқликни очишнинг замонавий усуллари кискача шарҳи; ҳажмий деформация; деформация ва кучланишлар орасидаги боғлиқлик; чегаравий ҳолат назарияси; Мор назарияси; материалларнинг мурт ва кайишқок бузилиши, Морнинг бузилиш мезони; симметрик юкланган айланувчи қобикларни ҳисоблашнинг моментсиз назарияси, моментсиз ҳолатни аниқлаш, Лаплас тенгламаси, юпқа деворли қувурларни ҳисоблаш, текис кучланган ҳолат учун Кирхгоф фарази; стерженларнинг устуворлик ва ноустуворлиги тушунчаси, Эйлер масаласи, материалларнинг назарий ва реал (ҳақиқий) мустаҳкамлиги, Гриффитс назарияси, динамик юкланишда мустаҳкамликка ҳисоблаш.

7.5.3.10. Машина ва механизмлар назарияси:

машиналар ва уларнинг элементларининг асосий турлари; механизмларнинг кинематик тавсифлари; ричагли механизмлар кинематик схемаларини лойиҳалаш; узатувчи механизмларнинг турлари ва уларнинг тавсифлари; машина агрегатининг статик тавсифи ва ҳаракатининг барқарорлиги; кинематик жуфтларда ишқаланишни ҳисобга олмасдан механизмларни кучий ҳисоблаш; ишқаланишни ҳисобга олган ҳолда механизмларни кучий ҳисоблаш; тишли узатмаларнинг турлари; эвольвентали илашма; тишли гилдиракнинг асосий улчамларини аниқлаш; планетар тишли механизмлар ва уларни кинематик таҳлил қилиш усуллари; қулачокли механизмлар; механизмлар ва роторларни статик ва динамик мувозанатлаш; машиналарни титрашдан ҳимоя қилиш асослари; саноат роботлари ва манипуляторлари.

7.5.3.11. Машина деталлари:

машиналар деталлари, узеллари ва механизмларини конструкциялаш ва ҳисоблаш асослари: машина деталларни ва узелларига қўйиладиган талаблар, машина деталларининг умумий таснифи, машинасозлик материаллари ва деталларини тайёрлаш аниқлиги, мустаҳкамликка, бикрликка, ейилишга бардошлиликка, аниқликка, титрашга бардошлиликка, узок муддат ишлашга ҳисоблаш;

узатувчи механизмлар ва уларнинг ҳисоби: тасмали узатмалар, фрикцион узатмалар ва вариаторлар, тишли ва гиперболоид узатмалар, винт-гайкали узатмалар, занжирли узатмалар ва бошқалар;

валлар, муфтлар, таянчлар, корпуслар ва уларнинг ҳисоби: валлар ва уқлар, муфтлар, сирпаниш ва думалаш подшипниклари, корпус деталлари, мойлаш материаллари ва қурилмалари;

машина детал (узел)лари бирикмалари, пластик элементлар ва уларнинг ҳисоби: пайванд, қавшар ва елимли бирикмалар, парчинмихли бирикмалар, резбали, шпонкали, шлицали, профилли ва штифтли бирикмалар, пружиналар ва резинали эластик элементлар.

7.5.3.12. Материалшунослик, конструкцион материаллар технологияси:

материалшунослик: металлларнинг хоссалари ва кристаллик тузилиши, металллар мустаҳкамлиги ва пластиклигининг физикавий асослари, тоза металллар совшининг эгри чизиклари, металл ва қотишмаларни модификациялаш – уларнинг мустаҳкамлигини ошириш усули сифатида; қотишмалар назарияси, темир-углеродли қотишмалар, фазавий ва структуралӣ ҳолат диаграммалари, қотишмалар хоссаларининг уларнинг тузилишига ва кимёвий таркибига боғлиқлиги, технологик хоссалар буйича қотишмалар классификацияси, тургун ва нотургун ҳолатдаги қотишмаларни олиш усуллари; темир ва унинг қотишмалари, пулатлар ва чуянлар ва уларнинг асосий эксплуатацион ва технологик хоссалари буйича таснифи, конструкцион пулатлар, чуянлар, асбобсозлик

пулатлари ва қотишмалари, зангламас, иссиқкабардош ва иссиқка чидамли пулатлар, махсус физикавий хоссаларга эга булган пулатлар ва қотишмалар; термик ишлов бериш назарияси ва технологияси асослари, металллар коррозияси ва уларни коррозиядан саклаш; рангли металллар ва қотишмалар; электроматериаллар, нометалл конструкцион материаллар, уларнинг асосий эксплуатацион ва технологик хоссалари.

конструкцион материаллар технологияси: кора ва рангли металллар металлургиясининг асослари: чуян, пулат ва рангли металлларни ишлаб чиқариш;

қуймакорлик асослари: қуйма хомакиларини ишлаб чиқариш, бир ва куп марта фойдаланиладиган қолиплардан қуймалар шаклини ҳосил қилиш, турли қотишмалардан қуйма олишнинг узига хос хусусиятлари, қуйма олишнинг махсус усуллари, қуйма олиш усуллари танилаш;

металларни босим билан ишлаш: прокат ишлаб чиқариш асослари, трубалар ва машинасозлик профилларини ишлаб чиқариш, болгалаш, штамплаш ва пресслаш билан хомаки ва деталлар шаклини ҳосил қилиш, қирялаш;

пайвандлаш ва кавшарлаш: эритиб электрпайвандлаш, контакт пайвандлаш, газли пайвандлаш, пайвандлашнинг махсус усуллари, пайванд бирикмалардаги нуксонлар ва уларнинг сифатини текшириш; кавшарлаш, металлларни термик кесиш; копламаларни қошлаш;

хомаки ва деталларга механик ишлов бериш: металлларни кесиб ишлашнинг физик-математик асослари, ишлов бериш усуллари ва деталлар аниқлиги; токарлик, пармалаш, йуниш, фрезерлаш, сидириш ва жилолаш станокларида ишлов бериш; тишли, шлицали ва резьбали юзуларга ишлов бериш; ишлов беришнинг электрофизикавий ва физикавий-кимёвий усуллари;

қуқун металлургияси асослари: қуқун материалларидан деталлар (буюмлар) тайёрлаш технологияси, қуқун материаллари;

нометалл материаллар ва улардан буюмлар олиш: нометалл материаллар ҳақида умумий маълумотлар, пластмассалар, резина ва силикат материалларидан буюмлар ишлаб чиқариш технологияси.

7.5.3.13. Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси:

транспорт тизимлари механизмлари ва қисмларининг ишлаш тамойиллари, тузилиши, таснифи, вазифалари: ички ёнув двигателлари, уларнинг вазифаси, таснифи; тўрт тактли дизел, карбюратор, инжектор, газ двигателлар ва муқобил ёнилгиларда ишлайдиган двигателларнинг иш цикллари; двигателларнинг кривошип-шатун ва газ тақсимлаш механизмлари, уларнинг вазифаси, турлари, тузилиши, ишлаш тамойиллари; мойлаш, совитиш, озиклантириш, ёндириш тизимларининг вазифаси, турлари, таснифи, тамойиллари; трансмиссия, юриш қисми ва бошқарув тизими (рул, тормоз) вазифалари, таснифи, тузилиши ва ишлаш тамойиллари; ихтисослаштирилган транспорт тизимлари, уларнинг вазифаси, таснифи, тузилиши; транспорт тизимларининг эксплуатацион хусусиятлари; гилдиракли транспорт тизимлари кинематикаси ва динамикаси, ёқилги тежамкорлиги; барқарорлик ва бошқарилувчанлик, равон юриш улчамлари, кўрсаткичлари ва тавсифлари; автотранспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракати; транспорт воситаларининг турли эксплуатацион шароитларда ҳаракат ва тортиш кучларини ҳисоби; транспортнинг турли эксплуатация шароитларида ишлаш самарадорлиги мезонлари; транспорт воситалари ва уларнинг муайян шароитларга мосланишига талаблар.

7.5.3.14. Электротехника ва автомобилларнинг электрон жиҳозлари:

электротехника: электр занжирлари ва уларнинг элементлари, электр занжирларини моделлаш, чизикли ток электр занжирларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари; чизикли динамик занжирлар ва уларнинг матрицали математик моделлари, чизикли турткутбли электр филтрлари; ночизикли электр, электрон ва магнитли занжирлар ва уларни математик моделлаш, ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари; ночизикли динамик занжирлар ностационар режимларининг барқарорлиги масалалари ва

бу режимларни таҳлил қилишнинг сонли усуллари, электромеханик тизимлар ва бошқа физикавий табиатлар (механик тизимлар)нинг электр моделларини тузиш тамойиллари; электрон техника элементлари, транзисторлар ва улар асосидаги схемалар; интеграл операцион кучайтиргичлар, операцион тизимлар, импульс техникаси элементлари, қувват кучайтиргичлар ва куч узгартгичлар, базавий мантикий элементлар; рақамли интеграл схемалар схемотехникаси, кетма-кетлик ва комбинацияланган рақамли схемалар, рақамли электрониканинг арифметик ва мантикий асослари, математикавий мантик элементлари; хотиранинг яримутказгичли элементлари, катта интеграл схемалар, электрон ва яримутказгичли қурилмаларни лойиҳалаш ҳақидаги умумий қоидалар; микропроцессорлар, микропроцессорли мажмуа элементлари, микропроцессорли тизимлар ва технологик объектларни бошқариш учун воситалар; электр машиналари ва электроюритма асослари; автоматлаштирилган электроюритма ҳақида умумий маълумотлар, бу юритма функционал узеллари ва элементларининг тавсифлари, узгармас ток двигатели, асинхрон, синхрон ва кадамли двигателлар; автоматлаштирилган электроюритмалар, юклаш диаграммалари ва уларнинг қувватини танлаш усуллари, статик ва динамик режимлар, электроюритма координаталарини сошлаш усуллари; саноат роботларининг автоматлаштирилган электроюритмалари; манипуляторлар ва саноат роботларини адаптив дастурли бошқариш тизимлари; рақамли дастурли бошқариладиган станокларнинг электроюритмалари, уларнинг иш режимларини оптималлаштириш усуллари, технологик жараён хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастурлар тузиш

